

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

МАВЗУ: БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС





Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўtkазиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шу боис муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 ташаббус муҳим аҳамият касб этади.



# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА УЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА 5 ТА МУҲИМ ТАШАББУС!

## БИРИНЧИ ТАШАББУС

Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва  
санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга,  
истеъодини юзага чиқаришга хизмат қилади

## ИККИНЧИ ТАШАББУС

Ёшларни жисмоний чиниқтириш,  
уларнинг **спорт** соҳасида қобилиятини  
намоён қилишлари учун зарур шароитлар  
яратишга йўналтирилган



## УЧИНЧИ ТАШАББУС

Аҳоли ва ёшлар ўртасида **компьютер**  
**технологиялари ва интернетдан самарали**  
фойдаланишни ташкил этишга қаратилган


## БЕШИНЧИ ТАШАББУС

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш  
масалаларини назарда тутади

## ТЎРТИНЧИ ТАШАББУС

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида  
**китобхонликни** кенг тарғиб қилиш бўйича  
тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган

## 1-ТАШАББУС



ЁШЛАРНИНГ МУСИҚА, РАССОМЛИК, АДАБИЁТ, ТЕАТР ВА САНЬАТНИНГ БОШҚА  
ТУРЛАРИГА ҚИЗИҚИШЛАРИНИ ОШИРИШГА, ИСТЕДОДИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШГА  
ХИЗМАТ ҚИЛADI.



Санъат ва бадиий  
ижод шахс  
феноменини  
шакллантирувчи  
асосий мезондир.

## 2-ТАШАББУС




Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида  
қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар  
яратишга йўналтирилган.



Олий таълим муассасаларида спорт майдончаларидан дарс ва дарсдан ташқари фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратилган. Қақат талабалар, балки ён-атрофдагиларни ҳам спорт бил шуғулланишига қўшимча шароитлар мавжуд.

## 3-ТАШАББУС

Аҳоли ва ёшлар үртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самараги фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.



## 4ТАШАББУС



Ёшларни маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.



Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида  
китобхонликни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлар  
дастури лойиҳасига кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион  
донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги  
китоблар етказиб бериш кўзда тутилган.

## 5-ТАШАББУС



**Хотин-қизларни иш билан таъминлаш  
масалаларини назарда тутади**



**Бешинчи ташаббус бўйича хотин-қизлар учун яратилаётган қўшимча  
ишли ўринларида (бу асосан тикувчилик корхоналарига тўғри келаяпти)  
талаба қизларимизни касбга тайёргарлигини йўлга қўйиш мумкин  
бўлади.**

## Беш ташаббусда беш эзгу ғоя

Ҳар бир миллат ўз келажак авлодида комилликни кўришни орзу қиласи. Ўзбек халқи ўз маданияти ва маънавиятида комил инсонлар тарбиясига алоҳида эътибор берган ва бундай комиллик дарғаларини етиштириш ҳар бир замонда муҳим саналган. Инсон камолотида эса жисмоний ва маънавий гўзаллик муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бугунги кунда юртимиизда замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган, интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Муҳтарам Президентимиз бошчилигига бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишлиланган 5 та ташабbusi илгари сурилди. Бир сўз билан айтганда, 5 та ташабbus ҳалқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан катта қизиқиши билан кутиб олинди. Ушбу 5 ташабbusning моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бирининг замерида чуқур ўйланган маъно ва мазмун борлигига гувоҳ бўламиз. **Биринчи ташабbus ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлирини оширишга, истеъодини юзага чиқаришга хизмат қиласи.** Хусусан, биринчи ташабbus бўйича ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этишга оид давлат дастури лойиҳаси тайёрланган. Унга мувофиқ, 2019–2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш бўйича ҳудудий “йўл ҳарита”ларини тасдиқлаш кўзда тутилди. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида қўшимча синфлар, маданият марказларида чолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўгараклари, ҳаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамбларини ташкил этиш белгиланди. Янгидан қуриладиган, реконструкция ва капитал таъмирланадиган ҳамда жиҳозланадиган маданият марказлари манзилли рўйхати ҳам шакллантирилди.

Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлигини оширишга, истеъдодини юзага чиқариш ижросини тизимли ташкил этиш, тўғарак ва синфларга қамраб олинган болаларни рағбатлантириш, жумладан, ҳар хил танловлар ўтказиш зарурлиги мақсад қилинди. Танловларда иқтидорли ёшларни қўллаб қувватлаш, истеъдодини нафақат юртимизда, балки дунё миқёсида кўрсата олиши назарда тутилди. Белгиланган қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари, шунингдек, маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларини мусиқа чолғулари билан таъминлаш учун тегишли маблағ ажратиш бўйича топширик берилиши бу фаолиятнинг такомиллашувини ёшлар иқтидорини қўллаб қувватлашни таъминлайди. Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига ҳокимликлар билан биргаликда туман ва шаҳарларда маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўғарак ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бепул тўғараклар ёшларимиз иқтидорини намоён эта олишига ва уларнинг ижод намуналари дунёга танилишига сабаб бўлади. Бундан ташқари ташаббускор истеъдодли ёшлар ва маҳаллий ҳомийларни жалб этган ҳолда, маданият марказларида бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва “Ёшлар клублари” ташкил қилиниши йўлга қўйилди. Олий ва ўрта маҳсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларига муайян мавзулар бўйича тарих дарсларини музейлар, тарихий обидалар, қадамжо ва театрларда сайёр ўтказилишини ташкил қилиш топширилди. Бу эса дарсларнинг мазмунан бой ва изчил бўлишини, назария ва амалиётнинг узвийлигини таъминлайди. Жумладан 5 та муҳим ташаббусда қайд этилган санъат, адабиёт ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида энг кучли воситалардан бири ҳисобланади. Бу восита аҳолининг барча табақасини, турли ёшдаги шахсларни қамраб олади. Бугунги кунда санъатнинг эстетик қийматга эга бўлган сифатий хоссаларини тарғиб этиш, бадиий ижод намуналарининг шахс феноменини шакллантирувчи асосий мезон эканлигини инобатга олган ҳолда, биринчи ташаббус, яъни ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлигини оширишга, истеъдодини юзага чиқариш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди.

Санъат ва бадиий ижод шахс феноменини шакллантирувчи асосий мезондир. Шундай экан ёшларда эстетик онг, эстетик дид, эстетик иммунитет, эстетик интеллектни шакллантирувчи, маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бадиий-эстетик ижод намуналарининг ўрнини алоҳида эътироф этиш зарур. Санъат ҳам инсон ҳаётида ўзига хос эстетик аҳамият касб этиб, ижтимоий ҳаётда инсон фаолиятининг, бадиий ижоднинг якуни сифатида юзага келади. Аммо ҳар қандай бадиий асар ҳам санъат даражасига кўтарилимайди, санъат даражасида баҳоланмайди. Демак, бадиий ижод намуналарини санъат асари даражасига кўтарилиши учун ҳам эстетика қонуниятларига амал қилиниши муҳимдир. Ҳозирги кунда санъат инсон онги ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатадиган, шахс маънавиятини шакллантирадиган кучга эга эканлиги билан ажралиб туради, санъат-бадиий ижод инсон онгининг узвий диалектик алоқадорлиги, бири иккинчисиз мавжуд бўлмаслигини ва ўз-ўзини ташкиллаштира олиш хусусиятига эга эканлигини намоён этади.

Шахс босқичма-босқич тарзда ўз-ўзини ташкиллаштира олиши орқали ўз-ўзини асраш, ҳимоя қилиш, идора этиш қобилиятига эгадир. Инсон шахс сифатида табиатдан, жамиятдан, маънавий ҳаётдан озиқланиб бораверади. Санъат асарлари ҳам шахсга ана шундай маънавий, руҳий озуқа берувчи восита сифатида инсонни ҳаракатга келтирувчи, мураккаб вазиятларда инсон онгига таъсир этиб кишига эстетик завқ, кўтаринки кайфият бағишлиб, тўғри хулосаларга келишига, ўз-ўзини эстетик ташкиллаштира олишига ёрдам берувчи асосий воситадир. Санъатнинг құдратли кучи шундаки, у нафақат инсонга маънавий озуқа беради, балки бутун бир жараёнларнинг, тараққиётнинг құдратли қуроли бўла олади. Адабиёт ва санъат асарларининг кучи унинг халқчил ва тушунарлилигига, кишилар ички руҳий дунёсига эмоционал таъсир кўрсата олишидадур. Комил инсон тарбиясида адабиёт ва санъатнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш муҳимдир. Маънавий тарбияда ўзбек халқининг бой маънавий меросидан, жумладан, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Машраб, Муқимий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Авлоний каби классик шоир ва ёзувчиларимиз асарларидан фойдаланиш, ёшлар қалбини, руҳий дунёсини маънавий бойитишда катта аҳамиятга эгадир.

## **Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.**

Ўзбекистонспорти миллий маданиятимизнинг узвий қисми ҳисобланади. У кенг халқ оммасини юксак ахлоқий руҳда тарбиялашда ва саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим воситалардан бири бўлиб қолди. Мамлакатимизда яшовчи халқлар асрлар давомида хилма-хил жисмоний машқлар ва миллий мусобақалар турларини яратдик, бу ўз навбатида ёшларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига жиддий таъсир кўрсатди. Иккинчи ташаббус юзасидан тайёрланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини оширишга қаратилган дастур лойиҳасида яқин икки йилда ҳар бир туманда кичик спорт заллари қуриш белгиланди. Президент мавжуд ва янги қуриладиган спорт иншоотларига аҳоли ва ёшларни кенгрок жалб этиш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни кўпайтириш кераклигини таъкидлади.

Давлатимиз томонидан қабул қилинган қарорларнинг замирида спортни ривожлантиришда муҳим ахамиятга эга бўлди. Шунингдек, мактабларда жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш, аҳоли ўртасида спорт маданиятини юксалтириш, оммавий спорт тарғиботини ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, уларни ҳаётга тадбиқ этишга киришилди. Жумладан, Ўзбекистон телевидениесининг 4-чи канали Спорт каналига айлантирилган. Болалар спорти учун педагог мураббийлар тайёрлаш, спорт журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари буйича таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Спортчиларни ижтимоий химоялаш масалалари қонун билан мустаҳкамланди. Спортчиларнинг айrim тоифалари қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Спорт соҳасида жуда катта ютуқларга эришган фуқаролар, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган спорт мураббийлари, спортчиларни тақдирлаш мақсадида бир қанча фахрий унвонлар таъсис этилди.

Ўзбек юртидан жаҳонга донг таратган спортчилар жуда кўп. XVIII асрда яшаб ўтган буюк шоир ва кураги ерга тегмаган полвон, хоразмлик Махмуд Пахлавон номи абадий қолган. Ўзбекистонда қадимдан спортнинг миллий турларидан кураш, от спорти, камондан отиш, дорбоз ўйинлари кабилар анча ривожланган эди. Эндиликда Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорти оддий жисмоний машқ ва уйинлардан замонавий Олимпия спорт турларига қадар юксак тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ватанимиз шаънини ҳимоя қилиб жаҳон чемпионлари бўлган юртдошларимиздан курашда С.Курбонов, Б.Файзиев, С.Ходиев, Р.Қозоков, қиличбоз С.Рўзиев, баскетболчи Р.Салимова, боксчи Р.Рискиев, Артур Григорян, Олимпия уйинлари чемпионлари Э.Саъдий, С.Диомидов, полвонлардан М.Хадарцев, А.Фадзаев, Абдулла Тангриев, машҳур чавандоз М.Исломов, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Эркин Каримов, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, тенис бўйича Ирода Тўлаганова ва бошқа кўпгина спортчилар жаҳонга машҳур. Спорт ҳозирги жамиятнинг янада тараққий этишида ёрдам берувчи давлатнинг қудратли воситасидир. Мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги янада кенгайди. Республика аҳолисининг катта қисми спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулана бошлади.

Халкаро кураш уюшмаси тузилди, у жаҳон спорт ҳамжамиятида амал қилаётган бирдан-бир уюшмадир. Ўзбек миллий курашини Олимпиада уйинлари дастурига киритиш халкаро кураш уюшмасининг энг муҳим стратегик мақсади бўлиб қолди.

Давлатимизнинг эътибор марказида соғлом авлод учун олиб борилаётган узлуксиз саъй-харакатларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида сўнгги йилларда қизлар спортининг жадал ривожланаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ҳар томонлама пухта уйланган ғоя ва дастурий режаларининг босқичма-босқич амалга оширилиши, айниқса миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия машғулотларини олиб борадиган аёл мураббийларни тайёрлаш, улар меҳнатини моддий рағбатлантиришга қаратилган жиддий эътибор бугунги кунда ўзининг бир талай ижобий натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, ҳозирда 6-15 ёшдаги қизларнинг қарийб 30,9 фоизи спорт билан машғул. Бу кўрсатгич сўнгги йиларда 6,8 фоизга ортган.

Мамлакатда хотин-қизлар спортини ривожлантиришда уларнинг нафис спорт турлари билан шуғулланишларига алоҳида эътибор каратилаяпти. Мавжуд спорт иншоотлари ҳамда умумтаълим мактаблари қошида фаолият кўрсатаётган гимнастика заллари ўтган бир йил давомида икки баробарга ортиб, ҳозирда 1263 тани ташкил этади. Уларда қарийб минг нафарга яқин бадиий гимнастика мураббийлари машғулотларни олиб бормоқда.

Фойдаланишга топширилган спорт иншоотларининг саксон фоиздан ортиғи қишлоқ жойларида барпо этилганлиги республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам аҳолини, айниқса ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш имкониятларини янада ошириди. Мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланишига спортнинг таъсирини ўрганиш бўйича ўtkазилган тадқиқотлар сўнгги беш йилда спорт билан мунтазам равишда шуғулланган 10-14 ёшли ўғил болаларнинг бўйи ўртача 2,3 см.га, қиз болаларнинг бўйи эса 2,0 см.га ўсганлигини, вазни эса мувофиқ равишда 2,6 кг. ва 2,9 кг.га ошганлигини кўрсатади. Болалар спортини ривожлантириш орқалигина ўзбек спортининг келажагини таъминлаш, халқаро майдонда унинг обрў-эътибор қозонишига эришиш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас, болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар натижалари нафақат спортда эришилаётган ютуқларда, балки одамларимиз онгидаги юз бераётган ўзгаришларда, уларда фарзандлар келажаги, мамлакат истиқболига масъуллик, дахлдорлик туйгуларининг юксалаётганлигига ҳам намоён бўлмоқда.

Албатта, мамлакатимизда болалар спортини янада ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида оммавий спортни кучайтиришда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг иштироки жуда мухим. Жумладан, мактаб ёшидаги болалар, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш орқали уларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланишида сезиларли ўсишни таъминлаш борасида ўзига хос натижаларга эришаётган вилоят, туман (شاҳар)лардаги мавжуд илгор тажрибаларни оммалаштиришнинг аҳамияти катта.

Республикамизда ногиронлар спортига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпиада қумитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Республика Ногиронлар жамияти ҳамда Халкаро Қизил Хоч миңтақа ваколатхонасининг кўллаб - қувватлаши билан Спорт ногиронлари уюшмаси тузилган. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республикада спортни ривожлантириш соҳасидаги асосий ишларга раҳбарлик килади. Олимпия харакати 24ни ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларининг расмий халкаро мусобақаларда иштирок этиши соҳасидаги энг муҳим ишлар билан Ўзбекистон Миллий Олимпиада қумитаси шуғулланади. Бу қумита 1993 йилдан бери Халкаро Олимпиада қумитасининг аъзосидир. Спорт турлари буйича 32 ўзбек федерацияси халкаро федерацияларга аъзо бўлиб, барча халкаро мусобақаларда қатнашиш хукуқини олган. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тарбиялаш билан Ўзбекистон жисмоний тарбия институти шуғулланади, унда 2 мингга яқин талаба таълим олади. Институт жисмоний тарбия муаллимлари ва спорт мураббий-муаллимларини тайёрлайди. Мамлакатимизда кўплаб замонавий очик ва ёпиқ сув хавзалари ҳам қад ростлади. Бундай жаҳон андозалари даражасидаги саройларда тез-тез халқаро нуфузли мусобақалар ўтказилди. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби юксак даражадиги спорт мусобақаларнинг мамлакатимизда доимий, анъана тарзда ўтказилиши Ўзбекистон ёшларининг барча соҳалар сингари спорт соҳасида ҳам катта ютуқларга эришишига сабаб бўлмоқда. Иккинчи ташаббусга доир масалалар муҳокама қилинар экан, диёrimизда 12 мингдан зиёд спорт иншоотлари борлиги, лекин ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга қамраб олиш даражаси етарли эмаслиги қайд этилди. Умумтаълим мактабларининг спорт анжомлари билан жиҳозланиш кўрсаткичи мамлакат буйича 56 фоизни, жумладан, Сурхондарё вилоятида 12 фоизни, Хоразмда 14 фоизни, Қорақалпоғистонда 15 фоизни ташкил этади, холос. Давлат томонидан, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб берилган. Туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар масалалари буйича ўринbosарларига мутахассислар билан биргаликда ёшларнинг спорт турларига қизиқиши ҳамда спорт иншоотларининг жиҳозланиш даражасини ўрганиб, шу асосда таклифлар бериш, Вазирлар Маҳкамасига уларни амалга ошириш учун зарур маблағлар манбасини аниқлаш вазифаси юклатилган. Тадбиркорларга спорт иншоатларини қуриш учун, Ўзмиллийбанк томонидан Ёшлар – келажагимиз” дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

## **Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.**

Бу ташаббус — аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларига оид дастур доирасида 2019–2020 йилларда туман ва шаҳарларда рақамли технологиялар ўкув марказлари ташкил этиш ва уларда бепул таълим бериш, 19 мингга яқин ижтимоий соҳа обьектини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш кўзда тутмоқда. Аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот технологияларига қизиқкан болаларни тўғри йўналтириб, уларни малакали мутахассис даражасига олиб чиқиш, дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган замонда ёшларни интернет сайкларидағи ахлоқ нормалари ва маънавиятимизга зид бўлган, шунингдек, ижтимоий-маънавий ҳаётимизга таҳдид солувчи ахборотлар оқимидан ҳимоялашда санъат, адабиёт, спортга бўлган меҳрини ошириш, уларнинг бўш вактларидан унумли фойдаланиш, ёт ғояларга нисбатан иммунитетни шакллантириш хозирги кунда ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Инсоният янги тамаддунга қадам қўйганини ҳар нафасда ҳис қилмоқдамиз. Бутун дунёда қадриятлар алмашиши, интеграциялашув, глобаллашув, агар таъбир жоиз бўлса, маданиятлар аралашуви, синтезлашуви жараёни кечаётган хозирги пайтда ўзга урф-одатларга, маънавий тамойилларга мойил бўлиши табиий ҳол. Бугунги глобаллашув даврида ахборот тарқатиш ниҳоятда замонавий қиёфага кирди. Интернет тармоғининг жадал ривожланиши жамият ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Одамлар иш кунини интернетдан бошлаб, у билан тугатадиган бўлиб қолди. Кўплаб тадқиқотчилар истилоҳларида кишилар онгини программалаштириш, ахборот экспансияси, маданий гегемонлик, маданий империализм каби иборалар қўлланмоқда. Ушбу жараён нафақат катталарга, ҳатто болалар психологиясига ҳам таъсир қиласи. Фарзандларимиз жажжи маънавий дунёсини эгаллаш борасида турли ахборот расталаридан ташқари яна мафкуравий бозорларда ҳам “савдо” кетмоқда.

Агар ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг севимли машғулотлари мусика тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳозирги пайтда эса компьютер ва интернет аввалги қизиқишиларни ёш авлод хаётидан сиқиб чиқарди. Замонамиз ёшларининг 70 фоизи ўз қизиқиш ва севимли машғулотлари ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан сухбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда компьютер технологиялари, интернетга бўлган қизиқишини биринчи ўринда тилга олади. Масалан, 50 миллионлик аудиторияга эришиб оммалашиш учун радиога 38 йил, телевиденияга 13 йил, кабел телевиденияга 10 йил керак бўлган бўлса, бу босқични интернет 5 йил ичida босиб ўтди . “Nielsen Net Ratings” компанияси ўтказган сўнгги илмий текширув натижаларига кўра, бутун дунё тармоғига уланаётган ёш болаларнинг сони кун эмас, соат сайин ошмокда: биргина 2007 йили Европада ёш авлод вакилларининг учдан бир қисми онлайн тизимидан фойдалангани кузатилган. 2008 йили дунё ахборот тармоғидан 10 миллион бола фойдаланган бўлса, 2009 йилда уларнинг сони 13 миллиондан ошиб кетди. Ҳозирда интернет аудиторияси кунига 1 млн. нафар янги фойдаланувчилар билан кундан кунга кўпаймоқда.

Мобил алоқа фойдаланувчиларининг сони 5.11 млрд ни ташкил этади, ваҳоланки бу кўрсаткич ўтган 2018 йилга нисбатан 2%га ошиб 100 млн та янги фойдаланувчилар хисобига ўсган. Шулардан 3.48 млрд фойдаланувчи ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтган, ўтган йил билан таққосланганда тармоқ фойдаланувчилари сони 9%га ошиб, бир йилда 288 миллион нафар янги ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари рўйхатдан ўтган.

Ўзбекистон халқаро глобал интернет тармоғига 1996 йил уланди ва мамлакатда 2008 йилга келиб интернетдан фойдаланувчилар сони 1 миллион 904 минг кишини ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб интернетдан фойдаланувчилар сони 5 миллиондан ортиқ абонентни ташкил қилди. 2013 йил республикада интернетдан фойланувчиларнинг сони сал кам 10 миллионга етган. 2018 йилга келиб интернет фойланувчиларининг сони 20 миллионга етган. Бу ўтган 2017 милга нисбатан 36% ортиқ бўлиб, бир йилда интернет фойланувчиларининг сони 5.3 миллионга ошган.

Давлатимиз томонидан ташкил этилган чора тадбирлар амалга оширилишида ёшларни интернетдаги заарли хурожлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. АҚШнинг собиқ Президенти Ж.Кarter: “Тарғиботлар сарфланган 1 доллар куролланишга сарфланган 10 доллардан самаралироқ”, – деб бежиз таъкидламаган. Ахборот урушида инсон онги, миллат руҳияти нишонга айланади. Бу урушда бинолар заарар кўрмасада одамлар ўлдирилмасада, моддий бўйликларга шикаст етмасада, унинг мафкуравий, маънавий, руҳий зарари бекиёсdir.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов сўзи билан айтганда, “агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасақ, турли заарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олишини истардим”. Кучли мафкуравий таъсир воситаларига айланган интернет тизими бугун кўпгина ёшларни ўз домига тортмокда. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг ёшлар маънавиятига мафкуравий таъсири, хавф-хатарлари тўғрисида ҳам сўз юритишга тўғри келади. Маълумотларга кўра, бугунги ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбай сифатида интернетга мурожаат қилишади. Интернетнинг қуйидаги салбий таъсирларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ёт, бузғунчи ғояларнинг кириб келиши (диний экстремизм, миллатчилик, ирқчилик мисолида);

ғарб яшаш тарзига хос, лекин ўзбек минталитетига зид ғоялар, қараашларнинг ёшларга таъсири (кийиниши, чекиши, татуировкалар ва хоказо);

порнографик ахборотлар ва текширилмаган ахборотлар (фитна, уйдирма, бўхтонлар)нинг тарқалаётганлиги вояга етаётган ёш авлоднинг тарбиясига, хулқ-одобига зарар етказиши табиий.

Кўз ўнгимизда фарзандларимиз кутубхонага эмас, балки, интернет кафеларга бормоқдалар, бир четда чанг босиб ётган мумтоз куй-қўшиқлар ёзилган граммапластинкани эмас, кичкина уяли алоқа телефонидан маҳсус мослама орқали замонавий эстрада ва яллаларни тингламокда. Уяли алоқа компанияларининг арzon бонуслари сабабли эндиликда ўсмиirlар қўл телефонлари орқали интернет сайtlарига кирмоқдалар. Бугун нафақат кичкина фарзандларимизнинг, балки ўсмиirlарнинг ҳам тарбия жараёни мураккаб бир ҳолатдадир. Интернет сайtlаридаги маҳсулотларни танқид қилиш осон. Уларга муқобил миллий, болалар ва ўсмиirlарга мос, уларнинг қизиқиш оламларига хос маҳсулотларни биз ҳам ишлаб чиқарсак бўлади. Бугун агар фарзандингиз китоб ўқимаса, расмли китоб келтирсангиз ва тушунтирангизки, шу расмдаги воқеани китобга ёзган, десангиз, у албатта ўқийди. Худди шу нарсани компьютер оламига кўчирсангиз, у шубҳасиз бошқа чалғитувчи сайtlарга кирмайди. Чунки, одатда бирор нимани тақиқлашдан аввал унга муқобил бошқа яхши нарса таклиф қилинади.

Ёшларнинг келажакдаги тақдири ва истиқболи ҳақида ўйлар эканмиз, интернетнинг моҳияти унинг тараққиёти, инсоният хаётига таъсир ўтказиш омилларини, ахборот хавфсизлиги муаммоларини чуқурроқ ўрганишни, нохолис ахборотларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришни тақазо этади. Бу ўринда ёшлар маънавиятига интернетнинг мафкуравий таъсирини камайтириш учун қуйидаги амалий таклифларни бериш ўринли:

Ёшларни заарли ахборот оқимларидан ҳимоялаш учун, улар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш лозим;

Ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини шаллантириш ва интернет тармоғида маънавий-маърифий, мафкуравий тарғиботни кучайтириш зарур;

Ёшлар назоратини амалга ошириш учун оила, таълим муассасалари ва маҳалла ҳамкорлигини янада кенг йўлга қўйиш лозим. Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларига оид дастур доирасида ўtkазилган тадбирлар давомида “Ёшларда техник билимлар савиясини юксалтириш”га бағишлиган тадбир, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳамда «Ўзбектелеком» компанияси кўргазмали стендларининг тақдимоти ташкил этилди. Айниқса, киберспорт бўйича амалий машғулотлар, ўйинлар таҳлилидан тортиб, коммуникация стратегиясини ишлаб чиқишигача бўлган жараёнлар, ақлий ривожланишининг таъсирчан воситаси саналувчи робототехника, мобил иловалар ишланмалари билан шуғулланиш бўйича амалий машғулотлар ҳамда сунъий идрок (интеллект) лойиҳа тақдимотини ёшлар, мактаб ўқувчилари ҳамда туман аҳолиси катта қизиқиши билан кузатди. Тошкент шаҳрида айнан шу йўналишининг ривожланишини таъминлайдиган яна бир ташкилот «IT-Park»нинг очилиши бу фаолиятни янада тезлаштиради. Таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларига замонавий компьютер жиҳозлари топширилди.

Хуроса қилиб айтганда, тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ёшларнинг истак ва хоҳишлирини инобатга олиш, унда ҳар қандай зўрлик ва мажбуровлардан воз кечиш, ёшларнинг асосий қизиқиши ва фаолият доирасини ташкил этаётган турли хил соҳаларни тарбия жараёнида тўлиқ қамраб олиш. Бунда, ахборотли технологиилар (оммавий ахборот воситалари – газета, журнал, радио, телевидения ва интернет) хизматидан фойдаланишини кенг йўлга қўйиш, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирадиган интернет сайtlари, мултимедиа ва роликларни кўпайтириш. Ёшлар онгига ижобий таъсир этувчи мусиқа ва кино санъатининг тарбиявий имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим.

## **Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йилда 12 январда чиқарган фармойишида китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда таълим муассасалари учун ўкув адабиётлари яратиш ва ўкувчиларга етказишининг мустаҳкам тизими яратилди, бунда Ўзбекистонда таълим берилаётган еттига тилда дарслик ва ўкув қўлланмалари нашр этилмоқда. Ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларининг моддий-техника базаси янгиланиб, замонавий электрон кутубхоналар тизимлари фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот, ноширлик ва ахборот соҳасида тегишли ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, 10 дан ортиқ қонун ва 30 дан ортиқ қонуности ҳужжати қабул қилинган. 1 677 та матбаа корхонаси, 118 та нашиёт давлат рўйхатига олинган. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 14 та вилоят ахборот-кутубхона маркази, туман марказлари ва шаҳарлардаги таълим муассасаларида 200 га яқин ахборот-ресурс маркази томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари ҳамда "Китоб олами", "Шарқ зиёкори" ва "Ўздавкитобсавдоатъминоти" мажмуалари томонидан китоб савдоси хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ёзувчилар уюшмаси хузурида ташкил этилган "Ижод" жамоат фонди томонидан ёзувчи ва шоирлар, айниқса, ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари кўп минг нусхада нашр этилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳа ривожи билан боғлиқ аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатор вазифаларни бажариш лозим. Аввало, бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндадарининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилиши;

Чоп этиладиган китобларни нашриётлардан ҳудудларга арzon нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш ва манзилга етказиш тизими суст ривожланганлиги учун, аҳолига хизмат кўрсатишида электрон китоб шаклларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;

Таълим ва маданият муассасалари учун китоб харид қилишга маблағлар етарли даражада мавжуд бўлган манбалар ҳисобидан жалб этилмаётганлиги, китоб сотишига ихтисослашган корхоналар томонидан таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларда янги китоблар тақдимотини ўтказиш, мутолаа маданиятини ошириш, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган тадбирларни кўпайтириш тавсиялари берилган эди.

Давлат томонидан юқорида белгиланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиласиган китобларга бўлган талабни ўрганиш, шу жумладан, ижтимоий сўровлар орқали аниқлаш, нашриётлар томонидан чиқариладиган бадиий, маърифий, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга доир адабиётларнинг (шу жумладан, электрон шаклда) умумий буюртма рўйхатини шакллантириш тизими ҳолати яхшиланмоқда;

китобларни чоп этиш ҳамда аҳолига етказиб беришни ўз ичига олган бошқарув тизимининг, шунингдек, жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш ишларининг танқидий таҳлили ўрганилмоқда;

ноширлар ва адибларни молиявий рағбатлантириш, болалар адабиётига ихтисослашган нашриётларга молиявий имтиёзлар бериш ва моддий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш, матбаа корхоналари ва нашриётларга китоб ишлаб чиқариш учун сифатли қофоз ва матбаа хом ашёларини четдан харид қилиш тартибини такомиллаштирилмоқда;

китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламини қамраб олиш, китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқилмоқда;

ихтисослашган китоб дўконлари учун вилоят, туман марказлари ва шаҳарларда ҳамда қишлоқларда аҳоли гавжум ва қулай ҳудудлардан жой ажратиш ёки ижарага бериш масалаларини қайта кўриб чиқиши, сотув айланмасида китоб улушининг ҳажми 70 фоиздан кўп бўлган тадбиркорлик субъектларини алоҳида статистик ҳисобга олиш ва уларга тегишли солиқ имтиёзлари қўлланилмоқда;

мавжуд ахборот-кутубхона муассасалари аҳолининг кенг қатламларига хизмат кўрсатиши зарурлигидан келиб чиқиб, уларнинг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича жойлашиш ва бўйсуниш тартибини қайта кўриб чиқиши, фаолияти ҳамда ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштирилмоқда;

ахборот-кутубхона муассасаларининг, айниқса, таълим соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фондларини шакллантиришда ўқув адабиётлари билан бир қаторда, бадиий, маърифий, илмий-оммабоп адабиётлар рўйхатини ҳамда уларни харид қилиш бўйича харажатлар сметасини қайта кўриб чиқилмоқда; чоп этилаётган китобларни аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари, жумладан, "Маданият ва маърифат" телеканали орқали тарғиб қилиш, таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равища ташкил этиш ҳамда таълим муассасалари, айниқса, мактабгача ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти ва мутолаа кўникмаларини шакллантирилмоқда; чоп этилаётган китобларни аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари, жумладан, "Маданият ва маърифат" телеканали орқали тарғиб қилиш, таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равища ташкил этиш ҳамда таълим муассасалари, айниқса, мактабгача ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти ва мутолаа кўникмаларини шакллантирилмоқда;

таълим муассасаларида синфдан ташқари ўқиши учун тавсия этилган ўзбек ва чет эл адибларининг мумтоз ва замонавий асарларини танлаб, хрестоматия адабиётлари рўйхатларини қайта кўриб чиқиши ва ўкув жараёнига мутолаа этилган асарлар асосида иншо ёзиш тизимини жорий этиш, адабиёт тўгараклари фаолиятини моддий кўллаб-куватлаш тизимини қайта кўриб чиқилмоқда;

худудларда ёзувчи-шоирлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида бадиий жиҳатдан юксак миллий ва жаҳон мумтоз адабиётлари намуналарини тарғиб қилиш, китобхонлар, босма ва электрон китоб ишлаб чиқарувчилар, китоб сотувчилар ҳамда кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида танловлар ("Йилнинг энг яхши китоби", "Энг яхши китобхон оила", "Йилнинг энг яхши болалар китоби", "Йилнинг энг яхши аудио китоби", "Йилнинг энг яхши электрон китоби" каби) ўтказиш тизимини такомиллаштирилмоқда.

Ёшлилар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлар дастури лойиҳасига кўра, ҳар бир худудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилди. Шунингдек, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очиш ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёш авлод таълим-тарбиясида китобнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс эканини алоҳида таъкидлайди. Жумладан, “Айни вактда ахборот-коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишига бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади”, дея айтган фикрлари эртамиз эгаларини комил инсон қилиб вояга етказиш йўлидаги ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Бугун юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам қад ростлаган мухташам ўқув масканлари, замонавий технологиялар ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз тақдирида қанчалик муҳим ўрин тутса, китобга дўст бўлиш, мутолаага ошно тутиниш ҳам шу қадар долзарбdir. Шу боис ҳар қандай даврда китобнинг мавқеи йўқолмайди, аксинча, ортиб бораверади. Тарихий манбалардан маълумки, Абу Али ибн Сино ўн беш ёшидаёқ илм-фан соҳасида довруқ қозонган, Амир Темур саркарда сифатида танилганда ҳали ўттизга ҳам кирмаган эди. Мирзо Улуғбек ўз даврининг етук олими сифатида обрў-эътиборга эришганида ўн беш ёшда бўлса, шоирлар султони Алишер Навоий Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини ўқишига киришганида, атиги олти-етти ёшлардаги бола бўлган. Улуғ бобокалонларимизнинг таржимаи ҳолига оид бундай ҳайратомуз хислатлар ҳар биримизга ифтихор бахш этиши, шубҳасиз. Табиийки, уларнинг бу даражага эришишида илму маърифат, китобга бўлган мухаббати бекиёс роль ўйнаган. Санъатнинг бадиий адабиёт тури кенг қамровли, у турли ёшдаги шахсларини ўз ичига олади. Эртакдан тортиб романгача бўлган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг маънавий шаклланишида улкан хизмат кўрсатади. Улар орқали китобхон тарбияланувчи сифатида эзгулик ва ёвузлик нималигини бадиий идрок этади, идеал танлашда ҳам уларнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, бадиий адабиётнинг бевосита ахлоқий тарбияга мўлжалланган ҳикоятлар, ривоятлар ва насиҳатлар мажмуалари борки, биз уларни пандномалар деб атаемиз: “Калила ва Димна”, “Қобуснома”, “Гулистон”, “Зарбулмасал” сингари бундай мумтоз асарлар анъанавий ахлоқий тарбия воситаси сифатида неча асрлардан буён қанчадан-қанча авлодларга хизмат қилиб келади. Шунингдек, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари ўтган асrimизнинг маънавий меросларидан бири бўлсада, бугунги кунда ҳам ҳар бир мутолаа қилувчи китобхонга ўз-ўзини маънавий ташкиллаштириши учун энг муҳим маълумотлар бера оладиган, унинг эстетик онгини шакллантира оладиган бадиий аҳамиятга эга бўлган, маънавий тарбия бера оладиган бадиий асарлар сирасига киради.

“Ўткан кунлар” асари хилма-хил мураккаб образлар ва мураккаб давр билан боғлиқ асардир. Бадиий асарнинг мазмунидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, асарда муаллиф ижодининг кўпқирралиги намоён бўлади, уни бадиий образлар ва воқеликни ёритиб беришда қўлланилган бадиий услублари орқали англаймиз. Бу каби миллий адабий меросимиз намуналари санъат ва бадиий ижоднинг турли сфераларида мавжуд. Уларни ўрганиш орқали қадриятларга ворислик – миллий ўзликни англашда бош омил эканлиги хулосасига келишимиз мумкин, аждодлар мероси ва қадриятларга янгича қараш китобхонни мустақил фикр юритишга ундейди. Ўзлигини англаган инсон жамиятга, ундаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ислоҳотларга тафаккур ва миллий давлат манфаатлари нуқтаи назаридан қарайди. Миллий, умумбашарий ва диний қадриятларга қизиқиши ортади, ундан ўз камолоти ва жамият равнақида унумли фойдаланади. Ўзбек халқи ўзининг ўтмиши билан қанча фахрланса, ғуурланса арзиди. У жаҳон фани ва маданияти тараққиётига шу қадар катта ҳисса қўшганки, буни бутун дунё аллақачон тан олган. Бизга бобокалонларимиздан ўзбекона турмуш тарзимиз мерос қолган. 2012 йил 20 марта “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга мувофиқ, кутубхона тузилмаси янгиланди, унинг бўлимлари ва хизмат кўрсатиш иши такомиллаштирилиб, вазифалар кўлами кенгайтирилди. Кутубхонада жаҳон талабларига жавоб берадиган автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими, нашриёт-матбаа ҳамда нусха кўчириш ускуналари ўрнатилган. Интерактив китоб курилмасидаги электрон саҳифани варақлаш учун мониторга бармоқ билан таъсир этиш кифоя. Шу тарзда сенсорли киоск орқали мазкур кутубхона, қадимий шаҳарларимиз ва улуғ алломаларимиз ҳаёти ҳақида маълумот олиш, китобга буюртма бериш мумкин. Кутубхона музейида ноёб қўлёзма ва тошбосма асарлар фондидан намуналар намойишга қўйилган. Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Мухокамат ул-луғатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Лисон ут-тайр” асарлари, “Девон”ининг хаттотлар томонидан кўчирилган қўлёзмалари шулар жумласидандир.

Кутубхонанинг болалар хонасида етти ёшгача бўлган ўғил-қизлар учун турли ўйинчоқлар, аквариум, ўқув куроллари, эртак китоблар мавжуд. Ота-оналар мутолаа қилгунча, бу ерда болаларга қараб турилади. Кинозалда мустақиллик йилларида халқимиз эришган ютуқлар, улуғ алломаларимиз, қадимий шаҳарларимиз хақидаги кинофильмлар намойиш этилмоқда. Бинода бепул Wi-Fi тизими ишлаб турибди. Ҳар куни мингдан ортиқ киши бу ерда глобал ахборот тармоғидан фойдаланмоқда. Бугунги кунда кутубхона фонди қарийб 7 миллион нусхани ташкил этади. Ўтган вақт мобайнида у салкам 350 минг электрон нусхадаги янги адабиётлар билан бойитилди. Бу ерда тўпланган алоҳида қимматга эга китоблар, нодир қўлёзмалар, қадимий нашрлар кутубхонанинг бебаҳо хазинаси ҳисобланади. Фондда буюк мутафаккирларимизнинг XI ва ундан кейинги асрларга оид қўлёзмалари, XVI — XIX асрларда дунёning кўплаб тилларида чоп этилган китоблар сакланмоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳасида кенг қўлланилаётган ахборот-коммуникация технологиялари кутубхона фойдаланувчилари учун ҳам беқиёс имкониятлар яратмоқда. Уларнинг эҳтиёжи ва халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда, ўқув заллари ҳар томонлама такомиллаштирилди. Фонднинг электрон шаклга ўтказилган қисмидан фойдаланиш имконини берадиган электрон кутубхонанинг ихтисослаштирилган зали, матн, овоз, графика ва тасвирларни акс эттирадиган мультимедиа технологиялари зали ташкил этилди. Интерактив маълумотхона панели ва дўконлари ўқув залларининг жойлашуви, муайян китоб, келган янги адабиётлар, таклиф этиладиган хизматлар хақидаги зарур маълумотларни мустақил ҳамда тез топиш имконини беради. Миллий кутубхона таркибидан Республика йиғма электрон каталог маркази жой олган. Шу асосда мамлакатимизнинг электрон кутубхонага эга ҳар бир ахборот-кутубхона муассасасида қандай адабиётлар мавжудлигини билиб олиш имконини берадиган маълумотларни тақсимлаш базаси яратилмоқда. Илм — нур, китоб — мўъжиза, мутолаа — ҳайрат. Шунинг учун бўлса керак, пойтахтимиз марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳам илмга интилевчан ёшлар билан ҳар доим гавжум. Бу ерда ўтказиладиган турли маърифий тадбирлар улар қалбида мутолаага бўлган қизиқиши янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Бинобарин, китоб мутолаасига қаратилаётган эътибор миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятларни тарғиб этиши билан алоҳида қадрлидир.

## **Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилнинг 24 май куни Ўзбекистон миллий университетида таълим ва илм-фан соҳа вакиллари билан бўлиб ўтган учрашуви мажлиси ҳамда Тошкент шахри Олмазор туманига ташрифи давомида берилган топшириклар 21-сонли баёнининг 81-банди ижроси юзасидан 5 та муҳим ташаббуснинг хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича Республика Олий таълим муассасаларида жорий этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар юзасидан чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

### **Жумладан:**

1.Олий таълим муассасалари талабалари ичидан ишлаш истагида бўлган хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш бўйича ўқув-курсларини ташкил этиш.

Ўқув-курсларида самарали натижаларга эришиши учун ўқув машғулотларига малакали мутахассисларни жалб этиш.

2.Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида Олий таълим муассасалари атрофида тикув, қандолатчилик цехлари, гўзаллик салони, фитнес клуб, хизмат қўрсатиши турларининг бошқа йўналишларини ташкил этиш.

3.Хотин-қизларни “Устоз-шогирд” анъаналари асосида хунармандчиликка ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш ва тажрибали ҳунармандларга бириктириш, ҳунарманд хотин-қизларга туман “Ахоли бандлигига кўмаклашиш” маркази томонидан меҳнат дафтарчаларини очиб беришига кўмаклашиш.

4.Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларни аниқлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларни туман “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази”даги ўқув курсларига кенг жалб этиш.

5.Туманда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларга имтиёзли кредит ажратиш мақсадида туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан тавсиянома бериш.

6.Олий таълим муассасалари ўртасида ўтказиладиган “Йил талабаси” танловига “Энг намунали тадбиркор талаба (хотин-қизлар учун)” номинациясини киритиш.

7.Иш берувчи ташкилот ва идораларда олий таълим муассасалари битирувчилари учун “Иш бериш кунлари”ни ташкил этиш.

8.Олий таълим муассасаларида 2019/2020 ўкув йилида талаба қизларнинг бўш вақтларини унумли ташкил қилиш мақсадида “Устоз-шогирд” тизими асосида талаба қизларни бандлигини таъминлаш, талаба қизларни қизиқишлирини аниқлаш ва тўгаракларга жалб қилиш

10.Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ талabalар билан тизимли иш ташкил қилиш ва уларни ўқишилари ва меҳнат қилишилари учун шароит яратиш;

11.Фаол бўлмаган ёш қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида, уларни муаммоларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, сайёр мuloқотлар ташкил этиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини белгилаш ваёш қизларни сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан тегишли тавсиянома ишлаб чиқиш.

12.Олий таълим муассасаларининг талabalар ётоқхоналарида қизлар учун “Мустақил ҳаётга тайёрмисиз?” мавзусида давра сухбатлари ташкил этишва “Мустақил ҳаётга тайёрмисиз?” мавзусида тақдимот тайёрлаш.

Амалга оширилган ишларни оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.

Бешинчи ташаббус бўйича ҳудудларда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари дастури лойиҳаси тайёрланган. 2019–2020 йилларда ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёлларни банд этиш кўзда тутилмоқда. Корхоналарни пухта ҳисоб-китоб асосида ташкил этиш, уларда ишлаб чиқариладиган товарлар бозорини, яъни аниқ харидорини топиш юзасидан таклифлар билдирилиши, аёлларнинг меҳнатга жалб қилинишига, уйда туриб ҳам даромадга эга бўлишига сабаб бўлади.

## Хулоса

Беш ташаббус ёш авлод онига замонавийлик рухини сингдириш, уларни яратувчанликнинг янгидан-янги йўналишларига бошлашда асосий омил вазифасини бажаради.

Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатимизда ёшлар тарбияси ва ҳаёти билан боғлиқ амалга оширилаётган ишларнинг кўлами – жуда кенг. Бу жараён ёшлар тарбиясида биз – маориф ходимлари ва ўқитувчилар зиммасидаги масъулият залворини бир неча баравар оширади.

Шунинг учун ҳам, Президентимиз белгилаб берилган кўрсатмаларни ўз фаолиятимизда муҳим дастур қилиб олсаккина, ишимизда мазмун ва самара бўлиши тайин.

Бу эса, авваламбор, биз устозлардан хорижий тилларни, шунингдек, таълим беришнинг энг сўнгги, замонавий усусларини пухта ўзлаштиришимизни талаб қиласи.

Чунки ёшлар келажагимизнинг давомчилари, уларга бугунги кунда берилган эътибор, давлатимиз ва ҳалқимизнинг келажагига берилган эътибордир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш негизида ёшларни маънавий, иқтисодий, маърифий “уйғотиш”, жамиятда ўз ечимини кутаётган ижтимоий “хасталиклар”ни “даволаш” амалиёти кўзда тутилган.

Замонавий ўзбек ёшлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий “хасталиклар”дан айримларини санаб ўтамиз:

- иҳсизлик;
- ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар салмоғининг ортиши;
- илмизлик, мутолаа маданиятининг пастлиги;
- гиёҳвандлик;

- одам савдоси қурбонига айланиш хавфининг юқорилиги;
- спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари истеъмолига мойиллик;
- оила ҳақида ғамхўрлик қила олмаслик;
- эгоизмнинг устунлиги;
- фикр қарамлиги, “тафаккур қуллиги”;
- ташаббускорлик мотивациясининг йўқлиги;
- ислоҳий ўзгаришлардан ўзини четда тутиш;
- даҳлдорлик ҳиссининг пастлиги ва ҳ.к.

Юқоридаги ижтимоий муаммоларни бартараф этиш учун масъул бўлган муассасалар, жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим ташкилотлари, ички ишлар тузилмалари ва бошқа ваколатли идораларнинг ҳисботларида ёшларни қийнаётган ижтимоий муаммоларнинг тўлиқ бартараф этилганлиги, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик сони ва салмоғи кескин пасайгани, таълим ташкилотларида эса ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш соҳаларида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги борасидаги “салмоқдор” натижалар орақали биз мавжуд муаммоларни ҳанузгacha тўла бартараф этишни “уддалай” олмадик.

Давлатимиз раҳбари томонидан янги тизим асосида ишлаб чиқилган бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш доирасида қуидаги таклифларни амалга ошириш лозим:

- оиласидаги таълим-тарбия муҳитини яхшилаш;
- микрохудудлардаги ички ишлар профилактика нозирларини маҳсус малака имтиҳони орқали ишга қабул қилиш, уларнинг ёшлар билан ишлашдаги мобиллигини ошириш;

- ҳудудларда бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш юзасидан ташкил этилган секторлар таркибиға шу ҳудудда истиқомат қилувчи фаол ёшларни жалб этиш орқали салмоқдор натижаларга эришиш;
- ҳудудларда ташкил этилаётган янги сайилгоҳлар, боғлар ва аҳоли дам олиш масканларида маҳсус “арт-терапия” кўчма клублари ҳамда “Китобхонлар маскани” ни ташкил этиш;
- компаниябозлик учун ўтказиладиган “Меҳнат ярмаркалари”, меҳнат биржалари фаолиятини танқидий-таҳлилий ўрганиш;
- хорижда ишлаш истагидаги ёшлар билан ишлаш бўлимларининг фаолияти ва ваколатларини кенгайтириш;
- олий таълим муассасаларининг ўрта, ўрта маҳсус таълим муассасалари билан ҳамда мактабгача таълим муассасалари – ўрта таълим муассасалари ҳамкорлиги концепциясини яратиш;
- микроҳудудларда спорт майдон(ча)лари ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун инфратузилмани яратиш;
- ҳудудларда ёшлар билан ишлаш бўлими таркибини етук мутахассислар жумладан, психолог, санъат соҳаси вакиллари, ҳуқуқшунос, тадбиркор(фермер), иқтисодчи, педагог кадрлар билан тўлдириш ва ҳ.к

Беш ташаббус ёш авлод онгига замонавийлик руҳини сингдириш, уларни яратувчаникнинг янгидан-янги йўналишларига бошлашда асосий омил вазифасини бажаради.

Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатимизда ёшлар тарбияси ва ҳаёти билан боғлиқ амалга оширилаётган ишларнинг кўлами – жуда кенг. Бу жараён ёшлар тарбиясида биз – маориф ходимлари ва ўқитувчилар зиммасидаги масъулият залворини бир неча баравар оширади.

Шунинг учун ҳам, Президентимиз белгилаб берилган кўрсатмаларни ўз фаолиятимизда муҳим дастур қилиб олсаккина, ишимизда мазмун ва самара бўлиши тайин.

Бу эса, авваламбор, биз устозлардан хорижий тилларни, шунингдек, таълим беришнинг энг сўнгги, замонавий усулларини пухта ўзлаштиришимизни талаб қиласади.

Чунки ёшлар келажагимизнинг давомчилариидир, уларга бугунги кунда берилган эътибор, давлатимиз ва ҳалқимизнинг келажагига берилган эътибордир.

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАМДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТИЗИМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалалари бўйича **йиғилиш ўтказди**.

Коррупция иқтисодиёт ривожи, чинакам кулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳити учун энг асосий тўсиқлардан биридир. Таҳлилларга кўра, бу иллат жаҳон иқтисодиётига ҳар йили ўртacha 2,6 триллион доллар заарар келтиради. Мамлакатимиз ҳам муаммодан халос бўлмаган. Дунёдаги коррупция даражасини ўрганувчи Transparency International халқаро ташкилоти индексида Ўзбекистон охирги уч йилда 12 поғонага кўтарилиган бўлса-да, ҳали бу иллат барҳам топмаган. Юртдошларимизнинг фикрича, соғлиқни сақлаш, таълим, банк, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар, коммунал хизмат соҳаларида, шунингдек, фуқароларни ишга қабул қилишда коррупция кенг тарқалган.

Мисол учун, таҳлилларга кўра, соғлиқни сақлаш тизимидағи харажатларнинг 25-30 фоизи самарасиз сарфланмоқда. Кўплаб соҳаларда давлат харидларини амалга ошириш тизими очиқ-ошкора эмас.

Давлатимиз раҳбари яқинда Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан кўра барвақт олдини олишга ўтиш кераклигини таъкидлаб, унга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган тузишни таклиф қилган эди. Бугунги йиғилишда ушбу янги тузилмани ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Коррупция даражаси юқори бўлган соҳаларда бу иллатдан қутулиш бўйича дастур ишлаб чиқиб, ижросини ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Коррупцияга қарши курашишнинг энг асосий йўли давлат органлари фаолияти ва иш жараёнларини шаффоф қилишидир. Бунда энг асосий эътиборни ишга олиш, давлат харидлари, рухсатнома ва лицензиялар бериш каби жараёнларда очиқ-ошкораликни таъминлашга қаратиш лозимлиги белгиланди.

Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурага Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таракқиёт дастури билан ҳамкорликда вазирлик, компания ва ҳокимликларда ички коррупцияга қарши чораларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди. Хорижий эксперtlарни жалб қилган ҳолда, давлат хизматчилари мол-мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимининг барча ташкилий-хукуқий асосларини ишлаб чиқиб, амалиётга киритиш шартлиги таъкидланди. Мутасаддиларга хорижий тажриба асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича тузилмани ташкил этишга доир хужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан топшириклар берилди. Мазкур тузилма нафакат бу борада давлат сиёсатини амалга ошириши ва мувофиқлаштириши, балки коррупцияга қарши курашишда барча куч ва воситаларга эга бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу иллатга қарши курашишдаги яна бир муҳим воситалардан бири – жамоатчилик назорати. Бугунги кунда юртимизда 10 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Лекин уларнинг ўрни ва фаоллиги сезилмаяпти.

Чунки бу ташкилотлар манфаатларини ифода этувчи, давлат билан кўприк вазифасини бажарувчи яхлит тизим йўқ. Ҳозирда жамоатчилик билан ишлаш тизими жойларда ва соҳаларда халқимизни қийнаётган масалаларни давлат миқёсига олиб чиқиб, ҳал қилишда натижа кўрсата олмаяпти. Кўп нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти расмиятчиликдан иборат бўлиб қолмоқда.

“Махалла”, “Нуроний”, Хотин-қизлар қўмитаси каби йирик бирлашмалардан ҳалқимиз қандай наф кўрятти, улар ҳаётимиздаги қайси ўткир масалани кўтариб, ҳал қилишга эришди, деган саволга, афсуски, ижобий жавоб йўқ. Шу боис Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Жамоатчилик палатаси ташкил этиш таклифини ҳам билдирган эди. Бугун йиғилишда ушбу палатанинг асосий вазифалари, ташкилий жиҳатлари муҳокама қилинди. Жамоатчилик палатаси аҳоли фикрини мунтазам равишида ўрганиб бориши, уларнинг ечимини топиш бўйича давлат идоралари олдига аниқ вазифаларни қўйиши зарурлиги таъкидланди. “Жамоатчилик эшитуви”, “жамоатчилик мониторинги”, “жамоатчилик экспертизаси”, “жамоатчилик ташаббуси” каби таъсирчан назорат шаклларини ҳаётга татбиқ этиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда давлат идоралари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини жонлантириш, уларга ҳар томонлама услубий кўмак бериш ҳам янги палата фаолиятининг муҳим йўналишларидан бўлади. Шу каби вазифалардан келиб чиқиб, Жамоатчилик палатасининг ташкилий-хуқуқий асосини яратиш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича 2020-2021 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини такомиллаштириш, жамият ҳаётига оид муаммоларни ўрганиш ва самарали ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига грантлар ажратиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.



**Эътиборингиз учун раҳмат!**